

“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарув йиғилишининг  
2022 йил 21 январдаги 11-сонли  
Баёнига илова

**“Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси”  
акциядорлик жамиятининг  
Интизом комиссияси тўғрисида  
Низоми (янги таҳрири)**

**Тошкент – 2022 йил**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш Қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг Интизом комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

## **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом талаблари биржа, биржа аъзолари, савдо майдончалар ва уларнинг регистраторларига нисбатан тадбиқ этилади.

2. Комиссия "Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси" АЖ (кейинги ўринларда - Биржа)нинг доимий фаолият кўрсатувчи органи ҳисобланади.

3. Комиссия биржа аъзолари ва уларнинг трейдерлари, савдо майдончалар ва уларнинг регистраторлари томонидан йул қўйилган қоидабузарликларни кўриб чиқади ҳамда уларга нисбатан Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари ва ушбу Низомга мувофиқ қарорлар қабул қилади.

4. Комиссия биржа битимлари бўйича мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқмайди.

*(5-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомасига асосан ўз кучини йўқотган)*

## **II. Комиссиянинг асосий принциплари ва вазифалари**

6. Комиссия фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилар ҳисобланади: қонунийлик;

мустақиллик;

Комиссия муҳокамаси маълумотларининг сир тутилиши;

холислик;

диспозитивлик;

7. Комиссиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ваколатига киритилган қоидабузарликларни объектив, тўғри ва тез (оператив) кўриб чиқиш;

биржа Бошқарувига Комиссия фаолиятига оид амалдаги норматив ва локал ҳужжатларни такомиллаштириш ва биржанинг нуфузини оширишга қаратилган таклифларни тақдим этиш.

## **III. Комиссияни тузиш тартиби ва унинг таркиби**

8. Комиссия таркиби биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

9. Комиссия таркиби 3 нафар комиссия аъзоси, шу жумладан комиссия раиси, унинг ўринбосари ва комиссия котибидан иборат бўлади.

10. Комиссия биржа Бошқарувининг комиссияни тугатиш ёки унинг таркибини қайта тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингунга қадар фаолият кўрсатади.

11. Комиссия аъзолигидан чиқариш комиссия аъзосининг аризасига кўра

амалга оширилиши мумкин.

#### 12. Комиссия раиси:

биржа аъзолари ва уларнинг трейдерлари, савдо майдончалар ва уларнинг регистраторлари томонидан йул қўйилган қоидабузарликларни ушбу Низом талаблари асосида объектив, тўғри ва тез (оператив) кўриб чиқилиши бўйича Комиссиянинг ишини ташкил қилади;

комиссия мажлиси вақти ва жойини белгилайди;

келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига риоя этилишини назорат қилади;

*(12-банднинг тўртинчи хатбошиси "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

ушбу Низомда белгиланган тартибда мурожаатларни иш юритишга қабул қилади, ҳаракатсиз қолдиради, қайтаради ёки мурожаатларни иш юритувга қабул қилишни рад қилади;

*(12-банднинг бешинчи хатбошиси "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

Комиссия мажлисларида раислик қилади;

Комиссиянинг чиқиш ҳужжатларини имзолайди;

Комиссия фаолиятини такомиллаштириш бўйича биржа Бошқарувиغا таклифлар киритади;

Комиссия томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан биржа Бошқаруви олдида ҳисобот беради.

13. Комиссия раисининг йўқлигида унинг вазифасини Комиссия раисининг ўринбосари бажаради.

#### 14. Комиссия раисининг ўринбосари:

Комиссия раисининг йўқлигида унинг вазифасини бажаради;

Комиссия томонидан қарор қабул қилинишида иштирок этади;

Комиссия мажлиси ўтказиш учун тўпланган материалларни таҳлил қилади;

Комиссиянинг қарор лойиҳаларини кўриб чиқади ва таклиф беради;

Комиссия раисига Комиссия фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Комиссиянинг чиқиш ҳужжатларини имзолайди.

#### 15. Комиссия аъзоси - котиб:

Комиссияга келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисоботини юритиш ва уларни умумлаштиришни ташкил қилади;

*(15-банднинг иккинчи хатбошиси "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

ҳужжатлар айланиши Комиссиянинг махсус модули ва электрон почтаси орқали амалга оширилишини таъминлайди;

муурожаатларни ўз муддатида Комиссияга киритилишини таъминлайди;

*(15-банднинг тўртинчи хатбошиси "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

ишларни кўриб чиқишга тайёрлайди;

қоидабузарликларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни

тўплайди ва Комиссияга тақдим қилади;

қоидабузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан тушунтиришлар олиши мумкин;

*(15-банднинг еттинчи хатбоҳиси "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

Комиссия мажлиси вақти ва жойи тўғрисида Комиссия аъзоларини хабардор қилади;

зарур ҳолларда Комиссия мажлиси вақти ва жойи тўғрисида биржа аъзоси, савдо майдончалар ва уларнинг регистраторларига хабарномани электрон почта орқали юбориш йўли билан хабардор қилади;

Комиссиянинг қарор лойиҳаларини тайёрлайди;

Комиссия иши билан боғлиқ ҳисобот лойиҳаларини тайёрлайди;

иш юритиш ва Комиссия архиви ишини юритади;

Комиссия раисининг қонуний кўрсатма ва топшириқларини бажаради.

#### **IV. Комиссиясининг ваколатлари**

16. Комиссия ваколатига биржа аъзолари ва уларнинг трейдерлари, савдо майдончалар ва уларнинг регистраторлари томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳамда уларга нисбатан Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари ва ушбу Низомга мувофиқ тегишли чоралар кўриш бўйича қарорлар қабул қилиш киради.

*(16-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

17. Қоидабузарлик содир этилган тақдирда Комиссия қуйидаги жазо чораларини қўллашга ҳақли:

огоҳлантириш;

жарима;

биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштириш;

савдо майдончаси регистратори ваколатини тўхтатиш;

18. Комиссия савдо майдончасини тугатиш юзасидан Бошқарувга таклиф киритиши мумкин.

#### **V. Комиссиянинг иш тартиби**

19. Комиссия йўл қўйилган қоидабузарликларни Бошқарув, таркибий тузилма раҳбарлари, Биржанинг Арбитраж комиссияси ва биржа аъзоларининг муурожаатлари асосида кўриб чиқади.

*(19-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

20. Муурожаатлар Комиссиянинг [dk@rtsb.uz](mailto:dk@rtsb.uz) номли электрон почтасига юборилади.

21. [dk@rtsb.uz](mailto:dk@rtsb.uz) - Комиссиянинг электрон почтаси ҳисобланади ва бу почта орқали амалга оширилган ёзишмалар Комиссия номидан олиб борилади.

22. Биржа савдоларини ташкил этиш бошқармаси (Маклериат) муурожаатлари Комиссиянинг махсус модули орқали қабул қилинади.

*(22-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

23. Комиссияга тақдим этилаётган муурожаатлар аниқланган

қоидабузарликларни тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатнома, скриншот, суд қарорлари, давлат органлари тақдимномалари ва бошқалар) илова қилинади.

*(23-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

24. Мурожаат қабул қилингандан кейин, ушбу мурожаат у келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқиш учун тайинланади ва тайинланган кундан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқилади.

*(24-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

25. Комиссия мазкур Низомга риоя қилган ҳолда берилган мурожаатни олдиндан кўриб чиқади ва мурожаат билан бирга берилган ҳужжатлар ва материалларни ўрганади.

*(25-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

26. Комиссия мажлиси агар Комиссия аъзоларининг камида икки нафари иштирок этса ваколатли ҳисобланади.

27. Комиссия қарори мажлисда иштирок этган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия раиси ва аъзолари овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмаслар. Комиссия раиси энг охирида овоз беради.

28. Комиссия қарори сиртдан барча Комиссия аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

29. Қабул қилинган Комиссия қароридан фарқ қиладиган Комиссия аъзосининг алоҳида фикри ёзма равишда расмийлаштирилади ва Комиссия қарорининг ажралмас қисми ҳисобланади.

30. Қабул қилинган қарор тегишли биржа аъзоларининг махсус кабинетлари ёки электрон почталарига шунингдек, таркибий тузилмалар, Биржанинг Арбитраж комиссиясига қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида юборилади.

31. Мурожаатлар уларнинг келиб тушиш кетма-кетлигига қараб кўриб чиқилади.

*(31-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

32. Зарур ҳолларда Комиссия ўзининг мажлисига биржа аъзоларини таклиф этиши ёки масофадан иштирок этишини ҳамда улардан кўрилаётган иш билан боғлиқ материаллар ва ҳужжатларни сўрашга ҳақли.

Комиссия ишида иштирок этиш учун тарафлар ўз вакилларини уларни иштирок этиш ваколатлари белгиланган ишончнома асосида юборишлари мумкин. Бунда агар топшириқ шартномасида мижознинг манфаатини Комиссия мажлисида ифода этиш назарда тутилган бўлса, мижознинг биржа вакили (брокери), унинг трейдери ёки агенти учун бундай ҳужжат талаб қилинмайди.

*(33-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомасига асосан ўз кучини йўқотган)*

34. Қуйидаги ҳолларда Комиссия кун тартибидаги масалани кўриб чиқилишини бошқа кунга қолдириши мумкин:

"ЎзРТХБ" АЖнинг Арбитраж комиссияси томонидан биржа битимлари (шартномалари) бўйича мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилиши лозим бўлганда;

материалларни қўшимча ўрганиш талаб қилинадиган ҳолатлар вужудга келганда.

Бунда масалани кўриб чиқишни қолдириш муддати бир ҳафтадан ошмаслиги керак. Истисно тариқасида, мурожаатни кўриш муддати Комиссия раисининг билдиргиси асосида, биржа Бошқарувининг розилиги билан мурожаатни кўриш муддати тугаган пайтдан бошлаб яна 20 иш кунига узайтирилиши мумкин.

*(34-банднинг тўртинчи хатбошиси "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

35. Агар кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқиш Комиссиянинг ваколатига кирмаса, Комиссия ушбу масалани кўриб чиқишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

36. Асослантирувчи ҳужжатлар ва етарли асослар бўлмаса, Комиссия қоидабузарлик ҳолати мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқариши мумкин.

37. Комиссия қарори биржада биржа аъзоси сифатида фаолият кўрсатмаётган шахсларга таъсир қилмаслиги керак.

38. Комиссия қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради ва Биржанинг барча таркибий тузилмалари ҳамда биржа аъзолари, савдо майдончалари ва регистраторлар ижро қилиши учун мажбурий ҳисобланади.

*(39-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомасига асосан ўз кучини йўқотган)*

*(40-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомасига асосан ўз кучини йўқотган)*

41. Кўриб чиқиш жараёнида Комиссия ваколатига киритилмаган қоидабузарлик ҳолатлари, шу жумладан қонун ҳужжатлари талабларини бажарилмаганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, Комиссия материалларни биржанинг тегишли таркибий тузилмаларига ўтказиши шарт.

42. Комиссия қарорига асосан биржа аъзоси жабрланувчиларга биржанинг комиссия йиғимларини тўлаши (қоплаши) лозим. Жабрланувчилар (сотувчи ва/ёки харидор) томонидан комиссия йиғимларини қопланишидан воз кечганлиги тўғрисида Ҳисоб-китоб клиринг палатасига хат тақдим этилганда, айбдор биржа аъзоси биржанинг комиссия тўловларини тўлашдан озод этилади. Бунда, Комиссия қарорининг биржа комиссия тўловларини қоплаб бериш (сотувчи ва/ёки харидорга) қисми Ҳисоб-китоб клиринг палатаси томонидан ижросиз қолдирилади.

*(42-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

43. Интизомий жазо бевосита қоидабузарлик содир этилгандан бошлаб узоғи билан бир йил ичида қўлланилиши мумкин.

44. Содир этилган битта қоидабузарлик учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

45. Агар биржа аъзосининг битта ҳаракатида бир нечта қоидабузарлик бўлиб, уни кўриб чиқиш Комиссия ваколатига кирса, интизомий жазо энг оғир қоидабузарлик учун қўлланилади.

46. Бир хил қоидабузарлик учун турли хил интизомий жазо чораси қўллаш таъқиқланади.

47. Комиссия қарори қабул қилинган ва тарафларга юборилган кундан бошлаб 10 кун ичида жарима тўланиши, комиссия йиғими эса қопланиши шарт. Жабрланувчининг комиссия тўловларидан воз кечиш ҳақидаги хати, тўлов амалга оширилиши лозим бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

*(47-банд "ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг 2025 йил 10 январдаги 6-сонли баённомаси таҳририда)*

## **VI. Комиссия қарори устидан шикоят қилиш**

48. Ўзларига нисбатан қарор қабул қилинган шахслар ушбу қарордан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга ва (ёки) Бошқарувга мурожаат қилишлари мумкин.

49. Комиссия қарори суд томонидан бекор қилинган тақдирда, биржа аъзосига у томонидан илгари тўланган жарима суммаси қайтарилади ва қўлланилган жазолар бекор қилинади.

50. Жарима суммаси Комиссия қарори бекор қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида қайтарилади.

## **VII. Яқуний қоидалар**

51. Ушбу низом биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади ва Биржанинг расмий сайтида эълон қилинган кундан бошлаб беш кун муддат ўтгач кучга киради.